



## ТАШАККУРНОМА

Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси  
А.Э.Шайховга

### *Хурметли Алишер Эркинович!*

Мен, Шымбергенов Азат «Nukus Evro Stroy» ва «Nukus Exclusive» маъсулияти чекланган жамиятлари таъсисчисиман. Корхоналаримиз Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг аъзоси бўлиб ҳисобланади. Корхоналаримиз томонидан Нукус шаҳрида замонавий технологиялар асосида бир қанча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

«Nukus Evro Stroy» МЧЖ томонидан 2014 йилда 3 ҳилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилга келиб маҳсулотлар турини 10 тага этказдик. Жорий йилда ўтказиладиган Хитой Халқ республикасидаги «Canton Fair-2016» кўргазмасида иштирок этиб, маҳсулотлар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз. Иш бошида ишчиларимиз сони 6 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда 22 кишини, уларнинг 15 таси коллеж битирувчиларини ташкил қилади. Маҳсулот сони кўпайиши билан янги иш ўринларини яратиш ниятидамиз.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиб жуда кўп хизматларингиздан фойдаланиб келмоқдамиз. Ўтган йили Хитой Халқ республикасининг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган «Canton Fair-2015» кўргазмасида иштирок этиб, кўргазмадан корхонамизга зарур ускуналарни шартнома асосида сотиб олиб, иш кўламини орттиришга эришдик.

Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси мутахассислари бизга ўзининг катта ёрдамларини кўрсатиб келмоқдалар. Янгидан қабул қилинаётган Президент фармонлари ва қарорлари, қонунлар бўйича доийимий турда учрашув ва семинарлар ташкил этиб келмоқда. Шунингдек, Давлатимиз ва чет элларда ташкил этиладиган кўргазма ва кооперацион биржа савдоларида Палата ёрдамида доийимий иштирок этиб келмоқдамиз.

Палата мутахассислари ҳар доим менинг мурожатларимни этиборсиз қолдиришмайди. Масалан, Давлатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан корхонамиздан энг кўп маҳсулот сотиб олган ҳамкор тадбиркорлар орасида акция ўтказиб, унинг якуни бўйича ғолибларни тақдирлаш мақсадида 2015 йил 5 сентябрь куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ёрдамида тадбир ўтказилди. Шу анъанани давом эттирган ҳолда, ҳамкорларимиз орасида

акция ўтказиб унинг тақдирлаш маросимини жорий йилнинг 7 февралда Палата мажлислар залида ўтказилди. Бу тадбирларни ўтказишда Сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ва мутахассислари менга ўзининг катта ёрдамларини кўрсатишди. Мен бундан жуда ҳам хурсандман. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳар доим, биз сингари бозорга энди кириб келаётган ёш тадбиркорларга мактаб вазифасини ўтаб, йўл йўриқ кўрсатиб келмоқда. Бунинг учун шахсан Сизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Чунки, Палатада ҳар доим мени қўллаб-қувватлайдиган ишончли мутахассислар бор, улар билан маслаҳатлашиб кўплаб йўтуқларга эришиб келмоқдамиз.

Палата билан ҳамкорликда ўтказилиб келинаётган тадбирларимиз ҳамкорларимиз орасида Палата обрсуни кўтариб, уларда ҳам катта кизиқиш уйғотмоқда.

Мен шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, тадбиркорларни қўллаб-қўвватлаш борасида Давлатимиз раҳбари ва Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган янгидан янги фармон ва қарорларнинг натижасида, шунингдек, Сиз раҳбарлик қилаётган жамоангиз каби, ўз ишининг фидои инсонлари биз тадбиркорларга катта ёрдам ва ишонч туйғусини бермоқда ва ўз фаолиятимизни ривожлантиришга катта замин яратмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Мухтарам Юртбошимизга, ҳукуматимизга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман. Сизга ва сиз бошқараётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоаси ишларига катта зафарлар тилайман! Давлатимиз осмони тинч, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин!

«Nukus Evro Stroy» ва  
«Nukus Exclusive» МЧЖ таъсисчиси



А.Шымбергенов









